АЛ-АФҒОНИЙ ВА МАСЛАКДОШЛАРИНИНГ ЖАМИЯТНИ ИСЛОХ ҚИЛИШДАГИ КЎШГАН ХИССАЛАРИ

Сирожиддин Қудратов
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети магистранти
Илмий раҳбар: Хуршид Илхомович Тошов
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси (PhD)

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ислом дунёсининг машҳур олимларидан бири Ал-Афғонийнинг ислом социализмига тегишли бўлган қарашлари қисқача муҳокама қилинади. Хусусан Ал-Афғоний тасаввурида тенглик ва демократияга асосланган ҳар қандай жамият, жумладан, диний жамоа ҳам социалистик бўлаверади. Ал-Афғоиий социализм ҳақида ана шундай фикр-мулоҳазари Европа олимларининг қарашлари билан солиштириб ўрганилган.

Калит сўзлар: социализм**,** ислом, демократия, мафкура, ғоя, дин, панисломизм.

THE CONTRIBUTIONS OF AL-AFGHANI AND HIS COLLEAGUES IN THE REFORM OF SOCIETY

Sirojiddin Kudratov
Master Student, National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Supervisor: Khurshid Ilkhomovich Toshov
Senior Teacher (PhD), National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

ABSTRACT

This article briefly discusses the views of Al-Afghani, one of the leading scholars of the Islamic world, on Islamic socialism. In Al-Afghani's vision, in particular, any society based on equality and democracy, including the religious community, can be socialist. Al-Afgha'i's view of socialism has been studied in comparison with the views of European scholars.

Keywords: socialism, Islam, democracy, ideology, idea, religion, pan-Islamism.

КИРИШ

Ал-Афғоний ва унинг маслакдошлари социализм таълимотининг тенглик, демократия борасидаги ғояларини, исломга зид бўлмаган, ўзларига мақбул жиҳатларини олдилар ва уларни жамият ҳаётига татбиқ қилишга уриндилар. Улар социализм ислом билан келиша оладиган таълимот, ислом тарихининг муайян даврларида ҳам социалистик тартиблар мавжуд бўлган, деб ҳисоблар эдилар. «Социализм ва ислом ўртасидаги муносабат шундайки, социализм ислом билан боғлиқ бўлган таълимотдир. Чунки ислом вужудга келган илк даврданоқ халқ ижоди билан боғланган таълимот эди»,-деб ёзади у. Унинг тушунчасига кўра, тенглик, демократия борасидаги социалистик тартиблар дастлабки халифалар, хусусан, Абу Бакр ва Умар даврларида ҳам мавжуд эди. Ал-Афғоний тасаввурида тенглик ва демократияга асосланган ҳар қандай жамият, жумладан, диний жамоа ҳам социалистик бўлаверади. Ал-Афғоний социализм ҳақида ана шундай фикр-мулоҳаза юритади. У Европадаги мавжуд социалистик таълимотни ҳам шу тарзда талқин қилади, тенгсизлик бор жойда социалистик таълимот вужудга келади, дейди. Унинг бундай қараши мустамлакачиликка қарши ғояларига ҳам таъсир кўрсатган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

У, жамиятда рўй берадиган қар қандай тенгсизлик, жумладан, миллий тенгсизлик, яъни бир миллатнинг иккинчи миллат томонидан қулликка солиниши ўта кетган адолатсизликдир, дейди. Ал-Афғонийнинг бундай фикрлари кейинчалик араб мамлакатларда кенг тарқалган ислом социализми таълимотига асос солди. Бу таълимотда ислом ва социализм ғоялари омихталаштирилган ҳолда мужассамланган. Ал-Афғоний ижтимоий-сиёсий қарашларида маълум изчиллик мавжуд. Уларда XIX асрнинг иккинчи ярмида Европа капиталистик мамлакатларининг Шарқдаги босқинчилик ҳаракатлари ва мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш ғоялари ёрқин ифодаланган эди. Ғарб дунёсида босқинчилик сиёсати авжига чиққан, Шарқ мамлакатларини сиёсий ва иқтисодий қарам мамлакатларга айлантириш ва уларни эзиш, халқ бойликларини талон-торож этиш, миллий маданият ва анъаналарини таҳқирлаш кайфияти кучайган бир даврда ал-Афғоний Шарқни ўз мустақиллигини сақлашга, миллий ғурурини оёқ ости қилдирмасликка чақиради. У илгор гоалари билан эзилган халқлар ўртасида обрў-эътибор топди. У ана шундай улуғ мақсад йўлида фаолият кўрсатди, барча иқтидорини шунга бағишлади. Уз қарашлари, ғояларидан умрининг охиригача воз кечмади, эзилган халқ оммасини озодликка даъват этди, босқинчилик сиёсатини инсониятга нисбатан разиллик,

адолатсизлик деб билди ва уни қоралади. Шундай илғор фикрлари туфайли у Шарқда танилди, араб дунёсида бошланган озодлик курашида ўчмас из қолдирди. Ал-Афғоний мустамлакачиликка қарши кураш ва халқлар мустақиллигини ғоявий сохдца таълим-тарбия, илм-фаннн ривожлантириш ва маърифатпарварлик масалалари билан боглар эди. Сиёсий соҳада эса мустамлакачиларга қаршилик кўрсатиш масаласини Шарқ халқларининг бирдамлнги, бирлашиши билан боғларди. У сиёсий нутқларида, рисолаларида Шарқ халқларини ўз миллий қобигига ўралашиб қолмасликка, барча жанжал ва ихтилофларни бартараф этиб, улуғ мақсад йўлида бирлашишга даъват этади. Ал-Афғоний Шарқда ягона «Ислом» давлатини барпо этиш тарафдори эди ва бу ғояни у ҳормай-толмай тарғиб этди. Кейинчалик бу ғоя ва у билан боғлиқ бўлган диний-сиёсий оқим панисломизм номи билан аталди.

Бу назария ўз сиёсий мавқеини кенгайтириш хаёлида юрпш баъзи мамлакатлар ҳукмдорларига, хусусан, турк султони Абдул Ҳамидга жуда хуш келди ва ундан фойдаланиш пайига тушди. Панисломизм ғоялари пантуркизм ғоялари билан омихталаштирилди. Аммо бундай бехуда уринишлар ал-Афғонийга маъқул тушмади. Панисломизм назарияси Шарқ халқларининг мустақилликни сақлашга бўлган интилишларини ифода этувчи ва ўз даври учун маълум маънода илғор ғоя эди. Ал-Афғоний унинг замирида миллатлар бирлигини, чет эл босқинчиларига қарши курашда аҳиллик ва бирдамликни кўрган эди. Чунки у халқлар токи миллати, ирқи, тили, қарашларидан қатьи назар, ёвузлик балосига қарши бирлашмас эканлар, озодпикни қўлга киритиб бўлмайди, деган қатьий фикрда бўлган ва бу ғояни «панисломизм» назариясига сингдиришга харакат қилган. Кейинчалик, XX асрнинг дастлабки йилларига келиб панисломизм кўпгина мамлакатларга тарқалиб, у ерларда турли шакп ва мазмунда талқин эпгила бошланди. Жамол ад-Дин ал-Афғоний шахсияти ҳақида бундай дейишган: «Бу инсон XIX асрнинг охирги чорагида бутун мусулмон дунёсига юксак даражада таъсир этган, ўзида маиший, диний ҳислар ва европа радикализми қоришмасини мужассамлаштирган». Унинг таълимоти асосан уч йўналишдан иборат: диний, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётни ялпи умумий ислоҳ қилиш, илк ислом асосларига қайтиш; парламент шаклидаги бошқаришни мужассамлантирган ислом шўро (маслаҳатлашув кенгаши) асосида сиёсий ислоҳ қилиш; ягона Ислом Лигаси қобиғида барча ислом давлатларини бирлаштиришга (панисломизм) даъват этиш. Мусулмонларнинг сиёсий бирлашиши орқали уларнинг маънавий бирлигига, ҳар бир мамлакатда алоҳида исломий тизим тикланишига эришишни кўзларди. «Ҳамма учун бир ҳукмдор бўлишини талаб қилмайман. Балки бунга эришиш қийин бўлар. Мен фақат ҳаммада ҳокимият эгаси сифатида Қуръон

бўлишини хоҳлардим, бирлашиш омили сифатида дин бўлиши керакдир». Ал-Афғоний давлатнинг энг афзал моделининг Қуръоний ҳокимият тамойилларига мурожаат этиб, мутлақликни инкор этади. Мутлақ ҳокимият - бу истибдоддир, адолатлилик фақат чекланган ҳокимият шароитида бўлиши мумкин. Истибдодга мухолифлик эса, ал-Афғоний фикрича, Қуръондаги маслаҳатлашув бошқариш тамойилларидир. Чекланган Конституцион монархия мумтоз ҳокимият исломий концепциясининг асосий ғоясига - маслаҳат- лашув тамойилига мосдир. Ал-Афғоний мусулмон дунбсида илм-фан ривожланишини истарди. Бу ҳақда кўп қайғурарди. У Шарқ мамлакатларида таълим ва илмий изланиш соҳасида анъанавий ислом билимлари билан чекланиш нотўғри, деб ҳисобларди. У дунёвий илмларни қўлга киритиш тарафдори эди. Чет элликлар мусулмонларнинг илмини қабул этиб, уни ривожлантирдилар, бойитдилар, кучли бўлдилар ва ислом издошларини анча орқада қолдирдилар. Шунинг учун яна Қуръонга қайтиш керак, лекин уни тўғри тушунишга ҳаракат қилиш лозим. «Ҳамма диний таълимотлар орасида айнан ислом фан ва билимга кўпроқ яқиндир». Дин илмни инкор этмайди, аксинча, унинг ривожланишига йўл очиб ҳам беради.

МУҲОКАМА

Ал-Афғоний фанни ғарбий ва исломий деб ажратишга ҳамда илмий-табиий фанларни ўкув дастурларидан чиқариб ташлашга қарши бўлган: «Кимки динни ҳимоя қилиш мақсадида баъзи фанларни ман этса, аслида унга душмандир» . «Ўқитиш ва таълимнинг фойдаси» мақоласида Шарқ мамлакатларининг ачинарли аҳволи сабабларини «олимларнинг олийжаноб ва муҳим ўрни» инкор этилганида кўради. Ал-Афғоний уларнинг ижтимоий мавқеини юқори баҳолайди. 1870 йил декабрда Истанбулдаги янги қурилган Дар ул-фунун университетида «Фан ва косиблик тараққиёти» мавзусида ўтказилган анжуманда олимларнинг фаолиятини «миссионерлик» деб баҳолаган. У олимни пайғамбарлар билан қиёслайди, пайғамбарлик математика, медицина, философия ва бошқа соҳалар каби косибликдир (синаа). Уларнинг фарқи шундаки, пайғамбарлик ҳақиқати - илҳом меваси, илмий ҳақиқат эса ақл маҳсули. Вақг ва шароит ўзгариши билан пайғамбарлик кўрсатмаси ҳам ўзгаради, илмий ҳақиқат эса - универсал. Ҳамма даврлар ҳам пайғамбарликка муҳтож эмас, лекин «башариятни қолоқлик гирдобидан фаровонлик ва тараққиёт йўлига чиқара оладиган илмий бошқариш доимо керак». Ал-Афғонийнинг бу чиқиши ортодоксал мусулмонларнинг ғазабини юелтирди, уни кофирликда айблашди ва у Маккага ҳаж қилиш баҳонаси билан Истанбулни тарк этди.

Бундан буён у ислом ва унинг ақидалари ҳақида эҳтиёткорлик билан гапира бошлади. Ал-Афғоний шогирди ва маслакдоши бўлмиш Муҳдммад Абдо билан ҳамкорликда «ал-Урва ал-вусқа» рўзномасини чоп этаркан, унда босилган мақолаларнинг бирида бундай ёзганди: «Биз рўзнома саҳифаларида «ислом» сўзини тез-тез такрорлаймиз, бундан империализмга кураш фақат мусулмон дунёсига тааллуқли экан, деган фикрга келмаслик лозим, бу кураш мусулмон давлат- лари билан ёнма-ён яшаётган, тақдирлари ғоят аянчли бошқа мамлакат халқларига ҳам тегишлидир».

НАТИЖАЛАР

Кўриниб турибдики, ал-Афғоний ғоялари фақат араб мамлакатларига тегишли бўлмай, балки барча мазлум халқларга апоқадор, кенг қамровли сиёсий қарашлар эди. Рўзнома бор-йўғи 8 ой яшади. Шу давр мобайнида унинг 18 сони босилди, холос: рўзноманинг дастлабки сони 1884 йил 18 мартда, охиргиси эса ўша йил 17 октябрда чоп этилди. Аммо шу қисқа даврда рўзнома араб дунёси ижтимоий-сиёсий қарашлари юксалишида муҳим роль ўйнади. Ал-Афғоний ва Муҳаммад Абдонинг шогирди Рашид Риданинг хабар беришича, сурияик машҳур олим Ҳусайн ал- Жасур: «Агар «ал-Урва ал-вусқа» яна бироз чиқиб турганда эди, мусулмон оламида катта ўзгаришлар содир бўларди», — деган. Дарҳақиқат, европа маркази ҳисобланмиш Парижда ўзининг ўткир публицистик мақолалари билан босқинчилар ҳийла- найрангини фош этиш, мазлум Шарқ халқларида уларга нафрат ҳиссини уйғотиш ва бу бало- қазолардан қутулишнинг бирдан-бир йўли фақат кураш эканлигини тарғиб қилиш юксак жасорат ва шижоат талаб қиларди. Ал-Афғоний ўз мақолаларининг бирида шундай дейди: «Шарқликларга қараб айтмоқчиманки, катта бўлмаган давлатлар ўз мустамлакасини сақлашга уринаётганини, у ерга ўқ отадиган қурол киритмасликка тиришаётганини қаранг, қурол учун улар олий жазо беришаяпти, қаттиқ таъқиб қилишаяпти. Бунинг маъноси аниқ: мустамлакачилар қуролдан ўзларига қарши фойдаланмасинлар, деб қўрқадилар», Ўша давр тадқиқотчиларининг айтишича, бу рўзнома барча араб дунёсида миллий онг ва кураш фаоллигнни кучайтириб юборди. Кейиячалик, рўзномада эълон қилинган барча сиёсий

Арпб Шнрқм, Туркия. Хнндмстон» Эрон қамда бошқн мпмлйкнтлдр нйгйнпйрийрдйри бу гаялардан баҳраманд булмб, улар тнъсирнда ут хплқими трнққибт сарн олнб бормшга имттшднлар. Ислом ислоҳотчилиги ва моьрифатпарварлик ғоялпри улкамиз Туркистонга ҳам етиб келди ва бу ерда жадидчилик ҳаракати пайдо бўлишига туртки берди. Туркистондаги

жадидчиликнинг отаси ҳисобланмиш Исмоил Гаспринский Жамол ад-Дим ал-Афғоний оркали қабул этган бу ғояларнинг рнвожига самарали таьсир кўрсатдн. У Арабистонга, чунончи, Мисрга бориш кезларида ал-Афғоний билан учрашиб турарди ва узоқ муддатли суҳбатлари ҳамда маърузаларини тингларди. Исмоил Гасприиский ал-Афғонийни менинг устозим» деб тан олган эди. Туркисгон жадидчилари - Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори. Абдурауф Фитрат ва бошқалар ўз халқига хизмат қилиб, миллатини уйғо- тишда, уни қоронғуликдан, зулмдан халос этишда жонбозлик кўрсатишган. Жадидчилик - ижтимоий-фалсафий ҳаракат бўлиб, миллат ва ўлка исгиқболи учун йўналтирилган эди. Унинг фалсафаси маърифатпарварлик ғояларини мунтазам равишда ҳаётга татбиқ этишдан иборат эди. Шундай қилиб, Жамол ад-Дин ал-Афғоний барча илғор ғоялари, диний-фалсафий қарашлари билан Шарқ халқлари тараққиёти, озодлиги, инсон ҳақ-хуқуқи, ижтимий адолатни ўрнатишга ҳаракат қилган олимлардандир.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, мусулмон ислоҳчилик ҳаракати ўзининг бошланғич давридаги ривожланишида диний эътиқоднинг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатди, шу билан бирга XIX аср охири - XX аср бошларида Мисрнинг ижтимоий ва маданий ҳаёти тарихида чуқур из қолдирди. Миср ислоҳчилари замонавий таълим, матбуот, адабиёт, санъатни тиклашда муҳим рол ўйнадилар. Улар ўзларининг амалий фаолиятларида ислом таълимотининг илк ғоявий асосларини қайта кўриб чиқиш, уларни янги шароитларга мослаштиришга уриндилар. Бу ишда ислоҳчилик ҳаракатининг мафкурачиси ва йўлбошчиси Муҳаммад Абдонинг фаолияти катта аҳамиятга эга бўлди. У ислом таълимотини араб жамияти эволюциясига мувофиқ ўзгарадиган принцип ва қарашлар тизимига айлантиришга интилди. Муҳаммад Абдо ва унинг сафдошлари томонидан ишлаб чиқилган мусулмон ислоҳчилигининг диний-фалсафий ва сиёсий ғоялари Ҳиндистон ва Сурия, Баҳрайн ва Сингапур, Тунис ва Жазоир, Эрон ва Ява, Туркия ва Малайзия жамоат арбоблари ва диний мутафаккирлари орасида кенг тарқалди.

Шу билан бир қаторда диний ислоҳчилик ҳаракатининг ижтимоий табақаларга таъсири чекланган тарзда бўлганлигини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Янгиланган ислом ғояларининг турли ижтимоий табақалар орасига кириб бориши жуда секин кечди. Мусулмон ислоҳчилиги, худди маърифатпарварлик ва илк миллатпарварлик оқимлари каби, юқори табақаларга хос бўлиб қолди, омма онгига таъсир қилаолмади, ўқимишли зиёлиларнинг тор доираларигагина

таъсир кўрсатди. Ислоҳчилик ғоялари XIX аср охири - XX асрнинг биринчи ярмида Мисрда ва бошқа араб давлатларида зиёлиларнинг бир қисми учун мафкуравий таянч бўлиб хизмат қилди, холос.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Кириллина С.А. Ислам в обшественной жизни Египта М:1985-С.130.
2. Ал-Афғаний, Жамал Ад-Дин. Ал-амал ал-камила мав диаса ан ал-Афғоний ал-хақиқа л-кулимя умар Мухаммад – Қахира 1968. 141-бет.
3. Amm O. Somte Aspects of Religious in the Muslim Middle east // The Traditionalism and Modernism in the Muslim Middle East Austin Texas. 1966. 93р.
4. Жамол ад-Дин ал-Афғоний // Хорижий Шарқ халқларининг илғор ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихи 1971.-255 бет.
5. Мусулманский мир. Средние века. Новое время: очерки исламской история и культуры. Под редакцей Р.м.Валеева. Казан: 1996.-С.108.
6. Янан Фатхи. Ислам: идем дакженна, перемены. – М: 1992. – С.27.

REFERNCES

1. Кириллина С.А. Ислам в обшественной жизни Египта М:1985-С.130.
2. Ал-Афғаний, Жамал Ад-Дин. Ал-амал ал-камила мав диаса ан ал-Афғоний ал-хақиқа л-кулимя умар Мухаммад – Қахира 1968. 141-бет.
3. Amm O. Somte Aspects of Religious in the Muslim Middle east // The Traditionalism and Modernism in the Muslim Middle East Austin Texas. 1966. 93р.
4. Жамол ад-Дин ал-Афғоний // Хорижий Шарқ халқларининг илғор ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихи 1971.-255 бет.
5. Мусулманский мир. Средние века. Новое время: очерки исламской история и культуры. Под редакцей Р.м.Валеева. Казан: 1996.-С.108.
6. Янан Фатхи. Ислам: идем дакженна, перемены. – М: 1992. – С.27.